



Хабар

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартаңдан чиқа бошлаган • 1997 йил, 20 июнь № 25 (253)

Сотувда нархи эркин

ЛИЦЕНЗИЯ КЕЛИШУВИ ШАРТЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОКДА?

1997 йилнинг ўтган беш ойида назорат қиливчи органлар фаолиятини муво-
фиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган, Алоқа вазирлигида тас-
дикланган режа жадвалидаги 30 оператор (алоқа соҳасида фаолият кўрсатувчи
учун руҳсатнома (лицензия) олган ва алоқа хизмат кўрсатувчи юридик шахс)нинг
барасида лицензия келишуви шартларини бажарилиши давлат алоқа назорати
томонидан текширишдан ўтказилди.

Лицензия олган 25 оператор-дан 14 таси янгидан алоқа со-
ҳасида фаолият кўрсата бошлади. Шу жумладан, янги алоқа
хизмат турлари — уяли алоқа,
радиопейкінж жорий қилинди,
эфир ҳамда кабеда телекурса-
тувлар намойиш этилмоқда.

Бу эса алоқа хизмати кўрса-
тувчи телекурсатувларда рако-
бат корхоналаридан, уяли ало-
қа телекурсатувларда рако-
бат пайдо бўлмокда.

Йил бошида тасдиқланган иш-
рекасидан ташқари янги 15 та
юридик шахсга берилган 17 та
лицензия жадвал қилиниб, кели-
шиш шартларини текшириш Дан-
нинг күшинчча режасига кирил-
ди. Текширилган 30 та юридик
шахсдан 5 тасида: «Агронет»,
Тошкент таксофон алоқа боғла-
маси, «Гулестон-ТВ», «Истиқлол-
ТВ», «Қарши-МТВ»да лицензия
йўк, «Агронет» корхонаси Ва-
зирилар Махкамаси комиссияси
кенгашининг қарорига кўра ли-
цензия учун руҳсат берилганини
қарамасдан лицензия ол-
маган. 25 юридик шахс 38 та
лицензия олган. Шулардан 8 та
юридик шахс 11 та лицензия
бўйича фаолият кўрсатишмай-
ти, булар «Симурз», «Нави»,
«Коинот», «Узлоказайлодш»,
«ТВС-информ», «Малакали», «Ха-
ким», «Алоказайнвест» каби корх-
оналардир.

24 лицензиатда (жумладан
«Алоказайнвест»га, «Ўздинробита»,
«Камалак-ТВ» каби) ишлатиле-
ган ускуналарга мос келадиган
сертификати йўк, б 6 та лицензиат-
да фуқароларнинг мурожаатла-
ри хисобот олиб борилмайди ва
хисобот юритилмайди. 5 та ли-
цензиатда сифат кўрсатчилари-
ни ўлчаш қондадари тартиби олиб
борилмаётir.

«Алоказайнвест» ҳиссадорлик
жамиятини текшириш натижала-
рига кура шиша толали алоқа
кабелларини ёткизища католик-
ларга йўл қўйилганини ва назо-
рат қилинмаганини туфайли ТОЕ
шиша толали кабель магистраль-
лининг Тошкент-Самарқанд
участасида лойиҳадагидан 20 та
кўп мутфа қилинган. Шиша то-
лали кабелларни ўлчаш ва мут-
фа қилиш учун халқаро сертифи-
катли мутахассис ийқилиги боис

«Шаҳарларарао алоқа қурилиш»
бахарларни ишларни назорат қили-
ша олмаган. Шаҳарлараро алоқа ва телеви-
дение худудий ишлаб чиқариш бирла-
шмаси 2 та лицензия олган бў-
ли, лицензия келишишин сифат
мезонлари меъери бажариляти,
аммо 214 кабел куруқ ҳаво босими
остига олинимаганини очибати
48 ҳолатда кабелларнинг нам тор-
тиши сабабли бузилишлар сони ош-
ган. «Ўздинробита» ўзбек-америка
кўшима корхонасида тарифлар Ало-
қа вазирлиги билан келишилмаган.
Сифат мезонлари, яъни майдон куч-
ланини меъери тўлиқ бажарилмаган.

Дизель оператор агрегатлари
Самарқандада 18 та тумандан 4
тасида йўқ, Жиззах вилоятининг
Зафаробод туманида аккумуля-
тор батареясининг битта 24
вольтилиси йўқ, 60 вольтилиси эса тү-
лиқ, Сирдарё вилоятида эса тү-
лиқ, таъминланган.

Куруқ ҳаво босими остига

Жиззах вилоятида 103 кабелдан 4

тасида (64 фоиз) қўйилган, 50

фоизда ҳаво сарфи меъерида.

Сурхондарёда 178 кабелдан 168

тасида (94 фоиз) қўйилган бўлиб,

55 фоиз ҳаво сарфи ўз меъерида.

Бухорада 65 фоиз меъерида.

Сирдарё, Қашқадарё ва Самар-

қанд корхоналаридан доимий

ҳаво босими (ПИВД) ҳисоботи

нотуғри берилган. Компресор

сигнал ускуналарни Жиззах вило-

тининг 12 тумандан 6 тасида,

Самарқандада эса 18 тумандан 9

тасида ўрнатилмаган.

Қишлоқ телефон тармоги АТС-

ларидан туман марказига чиқи-
ш ташкил қилинмаган. Бу кўрсат-
кич Жиззахда 81 тадан 38 таси-
да, яъни 46 фоиз, Сирдарёда 138

тадан 16 тасида — 12 фоизид.

— 2010 йилгача республика телекоммуникация тармоқларини

тараққиёт этишини ва ривожлан-

тириш Millil dasturi» режаси

Сирдарё вилоятида тулиқ бажа-

рилган. Қашқадарё, Сурхондарё,

Самарқанд ва Бухоро вилояларда

рияда белгиланган режанинг қис-

ман бажарилишига эришилган.

Жиззах вилоятида эса ўтган

1995-97 йилларда бу борада њеч

кандала иш олиб борилмаган.

Юқоридаги текширишларда

аниланган камчиликлар юзаси-
дан 25 та лицензиатта ёзма кўр-

сатма берилаб, 19 раҳбар ходим

маъмурӣ жавобгарликка тортил-
ди.

Шавкат ИСЛОМОВ,
Давлат алоқа назорати
бошлиғи



Ўтган йили кўхна Бухорода хорижий ҳамкорлар билан замо-
навий рақамли алоқа станциялари ишга туширилган эди. Ҳо-
зир ана шу алоқа воситалари самарали ишлаб, бухоролик-
ларнинг мушкулини осон қилмоқда.

Суратда: Бухоро шаҳридаги марказий АТСнинг бошқарув
пульти.

Суратка Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

• Матбуотда «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбе-
кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эъ-
лон қилинди.

• Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев 18-19 июнь кун-
лари расмий ташриф билан Ўзбекистонда буди.

• Матбуотда «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий теле-
фон алоқасидан фойдаланиш қоидалари» эълон қилинди.

• Президент ҳузуридан Давлат ва жамият курилиши академиясида Гер-
маниянинг Конрад Аденаур жамғармаси, республика Оммавий ахборот во-
ситаларини демократларниш ва кўлла-куватлаш икимомӣ-сийёсий фонди
ҳамда «Камолот» жамғармаси ҳамкорлигидаги ташкил этилган журналистларни
кайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказининг тақдимот маросими
утказиди.

ОЛАМДА НИМА ГАП? - Йангилклар - Воеалар - Хабарлар

• Грознинда Чеченистон Республикаси Президенти Аслан
Масхадов раҳбарлигида ўтказилаётган жиноятчиликка кар-
ши кенг миқёсли «Хукуқ-тартибот калкони» тадбирининг
иккинчи босқичи яқуналанди. Инда мингдан ортик хукуки мұ-
хофаза этиш идоралари ходимлари қатнашиди. Тадбир даво-
мида гаровга олинган 6 бағар шахс озод этилди. Аммо
Чеченистонда изисиз йўколган беш нафар россиянлик журна-
листининг тақдирин ҳамон номаъумлигича колмокда.

• Жаҳон банки Россия Федерациясига умумий ҳажми 884,6 миллион
АКШ доллари миқдоридаги б 6 кредит ахротини мўлжалламоқда.

• Истамбулда Туркия, Эрон, Покистон, Мирс каби 8 мусул-
мон давлат ва ҳукумат раҳбарларининг уч кунлиги учрашуви
ниҳоясига етди. Туркия Бош вазiri А. Эрбакан ташаббуси
билиш ташкил этилган ушбу учрашувда бу 8 мусулмон дав-
латининг Фарбнинг тараққий этган 7 та давлати каби ўзига
хос ушымасини ташкил этиш кўзда тутилган.

ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг буйргига кўра
Тохир Фаурович РАХИМОВ «Ўзбекмаҳаллийтелефон» давлат ма-
ҳаллий электралоқа бирлашмасининг Бош директори этиб
тайинланди.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Хабар» газетасига 1997 йилнинг иккинчи ярим йиллигин учун обуна-
давом этимоқда.

Нашр кўрсаткич:

Якка тартибдаги обуначилар учун — 64600.

Ташкилар ва корхоналар учун — 64590.

Мухтарам газетон! Ҳар ҳафтанинг муборак жума куни «Ха-
бар» хонадонингизга турли хил янгилик ва хабарлар олиб
боради деган умиддамиз.

Республикамизда «Узунробита» узбек-америка кушима корхонаси уяли алока тизими-ни янги технологиялар хисобига кун сайдин такомиллаштириб, кенгайтириб бормоқда. Ўтган илии мазкур кўшма корхона юртимизнинг бир катор ийрик шахарларида янги коммутатор ва базавий станциялар куриб, ўз мижозлари сафанинг кенгайтириди.

кишлопқларда яшовчи аҳоли, ишибаларонлар, фермер хў-жалик ва ташкилот раҳбарларига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Шумингдек, мазкур худудда Шампань, Красно-горск, Билдирсой, Кизилтог'рабий послекалар борки, му-таксислар бу жойларда замонавий алока хизматини йўлга кўйиш ниятидадирлар.

«Узунробита»нинг уяли

Айни пайтда күшма корхона саноат шаҳри бўлмиш Чирчикда уяли алоқа тизимини бунёд этишга чоғланмоқда. Ушбу уяли алоқа фақат Чир-

ЧИРЧИҚДА УЯЛИ АЛОҚА

чиң шаҳрида эмас, балки унга күшни бўлган туман ва ўнлаб қишлоқлар, умуман, айланаси 40 километр бўлган ҳудудда хизмат қиласи.

Уали станция Чирчик шахридаги энг баланд майдончада жойлашган 2-АТС биносига ўрнатилди. Бу ерда киска фурсат ичда барча ишлар бажарилди, техник синовлар амалга оширилди. Натижаси эса маълум — станция фойдаланишга топшаририлди. Режага мувофиқ станция 300 мижзога хизмат кўрсатиши зарур эди, аммо «Уздуорнибита» мутахассислари бу ердаги имкониятни тўлиқ ўрганиши билан, мизхозлар сафини янга кенгайтириш мумкин деган хуласага келишишди. Шундай килиб, кўмуш корхона стансияга кўшимча жиҳозлар ўрнатиб, унинг хизмати ҳажмини кенгайтиришишди.

Хозирда уялда алоқа тизими бутун Чирчик шаҳри ва унга кўнши бўлган Кибрай, Бўстонлик, Янгибозор, Паркент туманларини камраб олган. Мазкур замонавий алоқа воситаси Коратепа, Оқаул, Жумабозор, Чинобод, Полторацкое (Козогистон), Искандар, Онҳайдар, Сойлик, Октош, Чимбойлик каби энг чекка

А. ДАРВЕШОВ

• Сизга қандай хизмат күрсатыши мөккебе?

ХОЖАТБАРОРЛААР

Искандар Ражабовни хамкаслари ўз ишини яхши биладиган, мохир алоқа бўлуми бошлиги сифатида билишади. Мана, бир неча йилдирки, унинг етакчилигидаги «Газарик» почта алоқа бўлуми Сариосиё туман почта алоқа боғламасининг энг илфор жамоалари қаторида тилга олинмокда. Шу бос хам ўтган йилдаги меҳнат мудаффакиятлари туфайли почта бўлуми вилоят почта алоқа корхонасининг «Фаҳрий ёрлиги» билан тақдиранди.

Айни пайтда бўлум хизматчилари 278 нафар кўп болали аёлларга ва 350 нафар нафакачиларга ўз вақтида беминнат хизмат кўрсатиб келишмоқда. Шунингдек, улар ҳар ойда 65-70 нафар ҳамкишлоларига пул жўнатмаларини етказиб беришмоқда ва ҳар куни 40-45 дона хатларни республикамизнинг турли вилоят ва туманларига жўнатишмоқда. Бундан ташкари бўлум ходимлари аҳолидан телефон, электр кувватидан фойдаланганлик учун пул тўловларини нафакат бўлимнинг ўзида, балки уйларга ҳам бориб йигмоқдалар. Пировардида ҳар ойда 55-60 минг сўм пул тушумига

«Газарак» почта алоқа бүлими жамоаси 1997 йил

н матбут нашрларига
на килиш мавсумими хам
ори савиыда ўтказди. Фу-
лар 150 нұхсадан зімді-
ли газета-журналларга
на қиленди. Бу борада-
режалар 137 фойзга
өрбажаарлды. Айник-
обуна мавсумида тарғи-
ва шүтшүтириш ишала-
күнгіндегидеги олиб-
иб, ўз ишига масыуялт
ан ёндошган почтачи-
цикул Мустафоколов түб-
иди хар қанча илик сүз-
айтса арзиди.

шылумки, сүнгги йилда матбуот нашларига булишингт кескин кашига сабаб — бир тодан нарх-навонин кес ошганилиги бўлса, икким томондан айрим почтадимларининг ўз ислахи советхонлик билан ён-гандиллари, газета-журналини ўз эгаларига муддада етказиб бермасликтадир. Аммо «Газарак» алоқа бўлимидаги алоҳида эътибор бебий, хат-хабар ва газеталашувлар эгаларига зуд билан етказилиди. Шундай с ҳам кишилек ахли алоҳимининг чарқон, хушлар, жоҳатбарор ходимларни таъсиз курсанда

**Аннамурод
ЖУМАҚҰЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти**



Маълумки, балоғатта худди маҳорат каби йиллар мобайнида эришилади. Собир Ҳотамович Ҳотамов үзининг 60 ёшини замондошларга хос оддий, айни чорда ўзигагина хос йўлдан утиб, кўпчиликнинг ҳавасини келтирадиган камолот ва маҳорат соҳиби сифатидаги кутиб олди.

бўлимига ишга кирди. Ҳарбий хизматдан кейин яна қадрли почта бўлимига қайтди. Астойдил ишлади, тинимисиз изланди, ташаббус кўрсатди. Айни чорда Тошкент Алоқа политехникиумида (хозирги Тошкент Алоқа коллежи) кейинчалик эса ҳалқ ҳўжалиги институтидаги тахсил кўрди. Мехнат, билим ва тажри-

Ўзи кейнинг етти йил мобайнида бошқаргатган «Тошкент Почтамти» корхонасида оддий почтачи ходимлар, операторлар, шаҳардаги туман

ба самарасини берди. Ўзи раҳбарлик қуялган идораларда омади чопиб, одамлар хурматни кроздонди. Бунга осонликча эришимади.

почта боғламаларининг раҳбарлари ва мутахассислари орасида яхши раҳбар, моҳир ташкилотчи, ташаббусор инсон сифатидаги катта обрга эзгадир. Почта алоқаси соҳаси Собир Хотамов учун оддийгина иш эмас, бир марта танланган бир умрлик касб-кори, унинг кисматидир. Тўғри, аввал у радиолаштириши хизматидаги иш бошлади. Ўсмирлик чоғларидаги мантур шоғирди сифатидаги Зангигота тумани хонадонларида юриб, радиотингловчиликнинг дебиторлик қарзларини йигиди. Иккя йил ўтиб, почта

Мана, 1990 йилдан бўйн Собир Хотамович Хотамов «Тошкент поштаси» (Тошпочтамт) корхонасига раҳбарлик қўлмудо. Бу етти Ўзбекинг қанчалик мурракаба ва машақатли давр булгани барчага аён. Ҳусусан, поча алоқаси соҳасидга хизмат ҳажми ва даромад кескин камайди. Лекин Тошпочтамт мушкул вазиятдан тўғри йўл топиб чиқа оди. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган сарф-харажатларни камайтириш, янги ва илгор технологияни жорий қилишига алоҳида эътибор қараттиди. Натижада алоқа бўлимлари таромғи, мутахассислар жамоаси саклуб қолиди. Ҳодимларга тўлиқ маошини ўз вақтида етказиб бериш йўлга кўйилди. Ҳозирда ўртача маош уч минг сўмдан кўпроқ. Мутахассисларга бир неча квартиралар ажратиб берилди. Компьютерлаштириш бўйича минимум дастур амалга оширилди — хибобхона кўрсаткичлари, пул юбортмалари ҳаракати ЭХМга кўчирилди. Кейинги пайтларда раҳбарнинг ташаббуси билан поча ташиш учун 20 та «Дамас» ва «Тико» енгил автомашиналари сотиб олинди. Қисқа вақт ичидаги почтамтда фагатини поча ташиш бўйича тўрт миллион сўмдан кўпроқ маблагни иктисад қилишга эришилди. Ахолига хизмат кўрсатиш ҳажми озди. Ўтган беш ой мобайнида даромад кутилганидан 40 фойзи юкори буду.

Собир Хотамов 60 ёшда ҳам ҳали сергайрат, фаол, ташаббускор. Бўёқда болалар оёқу турган, неварапалар усмомда. Уларга қараб қалби яшарди. 60 ёш ўтган урт сархисоб килинадиган улкан довон. Балогат палласи, камолот даври. Олдиңча эса одамларга хизмат қилишек шарафли меҳнат. Мамлакатимиз Президенти томонидан ўзин қилинган Инсон манбаатлари йилда почта ходимларининг эзгу мақсади аҳолининг почта алоқасига бўлған талаб ва эзиёжларини тўла қондиришицдир. Ўзининг севимли ва сабов иши билан машул малакали мутахассис, обрули раҳбар Собир Хотамович **ХОТАМОВ** ҳам шундай олийканоб мақсад билан яшайтган тажрибали алоқачилардан бирорид.

А. КУДИНОВ

ИБРАТЛ ТАШАББУС

натидан Х. Олимкон, Ф. Үулом, И. Тұланов, Й. Охунбобеев номли ҳамда Үйчи, Яңғибод күчаларда истиқомат қылаёттанд ахоли курсанд. Бұндан 2-3 ійл олдин Тошпұлат ака ташаббус күрсатыб, телефон хажи-ни уйма-үй юриб, үзін үйге бошлады. Бу иш үз сама-расиниң күрсатди. Жорий یилингін үч ойда электромантұр үй телефонлары хизметін учун ахолидан 59916 сүм пул үйгіб, бөглема хазинасига топширди.

Чорток тумани электралоқа боғламаси маъмурияти ташаббускор электромантур Тошлупат Ҳамроев каби алоқачиларни кўл соати, пул муюффотлари, Фахрий ёрлиқлар билан таклифламожда.

**Тўра ҲАМЗАЕВ,
Наманган вилояти**

• Алоқа матбугат күзгусида

ТЕЛЕФОН ХАЛАҚИТ БЕРАДИ

Бельгияда хайдовчиларнинг йўл-йулакай телефонда сўзлашувларини таъкидловчи қонун муҳокама Килинмоқда. Бельгия йўллар хавфсизлиги институтийине берган маълумотларига кўра йўлларда телефон орқали сўзлашув мамлакатда автоҳолокатлар сонини уч баробарга кўпайтириб юборган. Институт ходимларининг таклифига кўра, йўлларда хайдовчилар эмас, балки йўловчилар сўзлашишлари лозим. Испания, Италия ва АКШнинг айрим штатларида ҳам ана шундай катъий коида жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги
«Ўзбекмаҳаллийтелеқом» Давлат маҳаллий
электролапка бирлашмаси Биш директори Тохир
Фауфорович Рахимовга волидад мухтарасаси
Азиза РАХИМОВАнинг
вафоти муносабати билан чунку таъзия изхор эта-
ди.

Республика радиоалока, радиоэшиттириш ва телевидение бирлашмасининг Тошкент радиомаркази раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси меҳнат фахрийси

Улуг халқарнинг улуғи ота-она устида бўлган бола ҳаккидир. Бола ҳакки учун ота-она ёки булар ўрнида бўлган валийлар дунёй охиратда масъул бўлурлар. Шунинг учун бу ҳакларни билмок ва зарур вақтда адо этмофарз булар. Ургатилманган от арава торгтара ҳам, ёмоч сурурга ҳам ярамагани каби, тарбия берилмаган бола ҳам бирор ишга ярамас. Инсон тарбия берилсагина инсон булар. Аммо тарбия берилмас, ваҳш ҳайвонданда тубан бир жонивор бўлиб колар.

Бола ёш вақтида ҳар турли тарбияга кобил бўлганидан, бу вакт улут ганиматидир. Шунинг учун болани вақтида таъя килиш лозим. Бола ҳам ёмр уруғ-бүгдой сочилимаган от ёки ҳеч бир нахш ёзилмаган оқ коғоз бўлиб, ҳандай уруғ сочилиган бўлса, шундай экин — хосил берар, ҳандай ёзилган бўлса, шундай ўкилар. Бола, агар гузал тарбия берилса, зигу, дунё ва охиратда масъуд бўлурга ҳар бир яхши ишларидан тарбия этувчилар гузал хиссалар кўшар. Агар бунинг аксича, бўзук тарбия берилса ёки ҳайвонлар мисоли ташландик холда колдирилса, бечора бола ҳалош бўлар, гуноҳ эса валийлар устига ёзилар.

Бола тарбия этувчилар энг ёш чогидан бошлаб болага яхши-ю ёмон нарсаларни билдирилар. Ҳусусан, тозалигу покликка одат этдирилар. Акллари етук бўлганида табий нарсаларга ҳам зехлиарини сарф киллар. Ма-

салан, иморату юртлар, тогу тошлар, ҷашмию жиглалар, еру кўк, ойу кўш, ёмгири кор, бўрону шамол каби нарсалар хақида киска-киска бўлса-да маъмумот баён этарлар. Бундан сўнгра Куръони шарифи ҳадиси жалидан енгил ва киска бўлганларнинг маъноларини англтиб, буюк олимларни машхур файласуфларнинг маколаларини сўзларлар ҳамда ислом тархиининг энг муҳим моддаларидан хабардор киллар. Ибратни ўз ичига олувчи ҳикоятларни мисол-

сонлар Аллоҳ таолонинг маҳмакулари эканини англатиш лозим.

Англамай ўқимоқ ва англамаган нарсаларни ўргатмоқ сабабидан болаларнинг зеҳнлари кисилар, гайратлари сўнар. Агарда бу тарика дин тарбияси берилса, диндан улуш ола олмас, балки диндан мухаббати сўнтар. Шунинг учун сабоб, бўшлаган болаларга «имон шартлари» деб охирига кадар «калима-йи тайиба»ни ўргатмоқ ва «Хафтияни шариф»ни хижжала-

ёки валийларнинг ўзлари тарбияли бўлмоқлари шартидир. Агарда улар берадиган тарбиялари билан ўзлари адаби бўлмоқлар, умрбод тарбия этсалар ҳам бир фойдаси кўримас. Ростлик билан тарбия этмоқлари болаларнинг рост сўзли-ю, ҳар ишларида тўғри бўлмоқларига ва ёлғон сўзлар билан тарбия этмоқлари болаларнинг бахтсиз бўлмоқларига, ҳаҳри дуо зиёдатларига сабабидар. Иккита тарбия этувчининг бир-бирига

• Мерос

Ризоуддин ибн ФАХРУДДИН

ОТА-ОНАЛАР ВАЗИФАСИ

лар сўзлаб, биргаликда муҳокама этарлар. Лозим ёзтиқодларни салоф ёзтиқодига мувоффик равишда очиқ англатлар, фарз, ҳаром, воқиб каби ислом хукмларини билдирилар.

Дин инсонларнинг ҳулканини гузаллаштиришга, дунёю охиратларида бахти бўлмоқларни салоф ёзтиқодига мувоффик равишда очиқ англатлар, фарз, ҳаром, воқиб каби ислом хукмларини билдирилар.

Дин тарбияси берилганда Аллоҳ таолонинг марҳаматли-ю

тиб ўқитмоқ тарбия усулига хилодидир. Болаларга берилажак тарбиянинг энг қераклиси — уларни гузал оdatларга ўргатмоқ ва оdatларни севиб бажармоқ, ҳолига келтиримоқидир.

Поклиги ўйкундан эрта турмок, ҳар ишни бир коидага биноан бажармоқ, тани мумкин қадар ҳасталик сабабларидан сакламоқ, от устидаги юршини, сувда сузиши билмоқ, өзуви кўркому дуруст ёзмоқ, сўзни адаб билан сўзламоқ, сұхбату мажлис адабларини ўрнига келтиримоқ, рост сўзли бўлмоқ, вақтида намозларни ўқимоқ, Ватану миллини севмоқ, гайратли-ю фидокор бўлмоқ каби Фазилатларни гузал тарбия этиши учун тарбия этувчи ота-онанинг

хилоф равишида тарбия этганлари ҳам болаларнинг одамгариликдан қишишларига кўп боис бўлар.

Оталар агар болаларнинг оналарни билан гузал ҳаёт кечирилар ва уларни ҳурмат киласлар, болалар бу холдан ойланжоноблиги мушошарт адабларини ўрганлар. Оналарига бу равишида мумомалат этилганини кўрган болалар оталарни ортиқ севарлар ва ўзлари ҳам ўйланганинида шу равишида мумомалат киллар. Ҳаддияни болаларга тент бермоқ — болаларга аддол дарси ўргатмоғи бирига берил «эхтиёт бўл, ака-укаларингга айтма!» демоклик, уларга хийла-ю хиёнат, ўргатмоқ бўлар. Болаларга билдириб ёлғон сўзламоқ — уларга ёлғон сўзламоқни,

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

- Кийимга қараб берилган баҳо ҳар гал ҳам тўғри чиқмайди, чунки уни кимдир кийинтириб кўйган бўлиши мумкин.
- Кимгадир ёкишдан олдин, сенга ким ёкишини англаб ол.
- Бир дўстим бор: ўзи — ширин, сўзи ширин, исми — Ширин, фақат қалби ширин эмас.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

- Дунёга устун бўланман деганларнинг бели ҳеч нимага чидамайди.
- Ўзига ишонмайдиган бошлиқ нодонроқ ўринбосар танлайди.
- Ҳар кўришганда қайта-қайта сўрашиш ҳам одобданмас.
- Кўз-кўзга тушганда илжайиб, орқасидан тиржайдиганлардан аспасин.
- Ичувчининг қасами бурнининг учиди турди.
- Гап уқмайдиган одамдан дўст чиқмайди.
- Кўнгилга ўтирганаган юмушни бажариш кил кўпридан ўтиш билан баробар.

Ислом УСМОНОВ



Абу Али Ибн СИНО

АРПАБОДИЁН

...Арпабодиён, айниқса унинг слими кузни ўтикли қилади ҳамда кўзга сув тушиш (яъни катаптак)нинг бошланиши олдилди ва энди бошлантган вақтда фойда қилади.
...Агар уни совуқ сув билан ичилса, қунгил айниш ва мезъянинг қизишига фойда қилади, аммо сескин ҳазм билади ва озиқлиги ёмон.
...Арпабодиён сийдик ва ҳайз қонини юриштиради, ёввойиси тошни майдалайди, буйрак ва қовуқда фойда қилади.
...Уртуни илдизи билан күшиб сийлса, ични юритади.
...У чўзма иситмаларга фойдали, уни совуқ сув билан ичирилганда иситма вақтидаги қунгил айниш ва иситмадан келиб чиққан месъда қизишига фойда қилади.

БЎЙМАДОРОН

...Енгил қайнатилган бурун тикилмасига ва тумовга фойда қилади.
...Куюқ ё суюқ ҳолда бошга қўйиб бояланса ё кўйилса, совуқдан бўлган бош оғригига фойда қилади.
...Бўйракдаги тошни майдалайди. Қайнатмасига утирилса, ҳайз қонини юриштиради. Бачалондаги яраларга фойда қилади.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алока Вазирлиги

Бош мухаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуваҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ

Иzzat AHMEDOV
(Бош мухаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАХМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам КОСИМОВ
Ёкубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Бўйров АХМЕДОВ
ОТАУЛИ
Сайдмурод АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Мехмонкул
ИСЛОМОУЛОВ
Тўлкин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятга келган кўлъемалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар музаллифларга кайтарилмайди. Маколалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва ракамлар масъулнинг музаллифлар зинмасидидар.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0409. 11213 нусхада чоп этилди.

Офсет усусида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-й.

1 2 3 4 5 6

